Ушбу сонда:
2 Ажабо! ҲАМИДА ХОЛА НЕГА ХУНОБ?
3 ҚАШҚАДАРЁ ОРОМГОҲЛАРИДА
4 Учрашув «МУҲИМИ, БИЗ ҲАМИША БИРГАМИЗ...»

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 11 июн, жума № 94 (1727)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## КИТОБ - ЭНГ ЯХШИ ТУҲФА

***Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йилда Россияга ташрифи чоғида мазкур давлат билан барча соҳалар қатори таълим тизимида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида ҳам келишувга эришилган эди.***

Мамлакатларимиз таълим соҳаси вакилларининг ҳамкорлик алоқалари доирасида Россиядан юртимизга 259 номда қарийб 90 минг китоб туҳфа этилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида шу китобларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда 140 мактабда ўқиш рус тилида олиб борилади. 443 мактабда эса бу тил чуқур ўргатилмоқда. Тақдим этилган дарсликлар, адабиёт ва қўлланмалар ана шу мактаблар ўқув базасини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

Тадбирда Россиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшин иштирок этди.

**(ЎзА)**






## МАҲСУЛОТГА РОССИЯДАН БУЮРТМА

Ангрен шаҳрида «NISHON-S» шуъба корхонаси иш бошлади. Бу ерда тикилаётган коржома ва бошқа хил кийим-кечакка ҳозирданоқ Россия корхоналаридан буюртма туша бошлади. Шу тариқа икки юз нафар хотин-қиз учун янги иш ўринлари вужудга келди.

Янги корхонанинг режалари катта. Хусусан, йил охиригача ишчилар сони беш баравар ортади. Кийим-кечак учун мато тайёрлаш ва бўяш ҳам шу ерда бажарилади. Маҳсулотнинг асосий қисми хорижга экспорт қилинади. Корхона фаолиятини кенгайтириш ва жиҳозлаш ишлари давом этяпти.



- Аҳолини иш билан таъминлашда шаҳримизда янги очилаётган корхоналарнинг ҳиссаси катта,- дейди Ангрен шаҳар меҳнат бўлими бошлиғи Турсунали Юсупов. - Йил бошидан буён салкам олти юз янги иш ўрни яратилди.

Шаҳарда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, уларни доимий иш билан таъминлаш мақсадида «Бандлик» дастури изчил амалга оширилмоқда.

Бу борада анъанавий меҳнат ярмаркалари ўтказилаётгани яхши самара беряпти. Яқинда уюштирилган ана шундай тадбирда йигирмадан зиёд корхона ва ташкилот бўш иш ўринлари билан қатнашди. Кўплаб ёшлар доимий иш билан таъминланди.

Корхона ва ташкилотларда бўш иш ўринлари кўп. Масалан, Янги Ангрен ГРЭСида 75, коммунал фойдаланиш бошқармасида 35, 9-кўмир конида 20, халқ таълими бошқармасида 56 нафар мутахассисга эҳтиёж бор.

**(ЎзА)**

## ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

***Пойтахтимизда «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбир Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси, Марказий банк томонидан ташкил этилди. Унда Олий Мажлис депутатлари, давлат идоралари, банклар, нодавлат ва бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари қатнашди.***

Анжуманни Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов бошқарди. Сўзга чиққанлар Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясида биринчи ўқишда маъқулланиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилган мазкур Қонун лойиҳаси амалдаги қонунчиликнинг такомиллашувидан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалаларини тартибга солишдан ҳамда махсус қонунчилик актининг аҳамиятини тушунтириш зарурлигидан келиб чиққанлигини қайд этдилар.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва шу билан боғлиқ молиявий ҳамда банк соҳасидаги қонун бузилишлари халқаро террорчи ва бошқа жиноий тўдаларни, наркотиклар ва қурол-яроғларнинг ноқонуний савдосини молиялаштириш асосини ташкил этадиган энг хавфли ҳолатлар экани таъкидланди.

Ушбу ҳужжат жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича самарали механизмлар ва тизим яратилишини, унда кўрсатиб ўтилган асосий талаблар халқаро қонунчилик меъёрларига мувофиқлигини таъминлайди.

Анжуман иштирокчилари муҳокама давомида Қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар киритдилар.

**(ЎзА)**

## ҲАРБИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

***Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Мудофаа вазирлигига АҚШ ҳукуматининг ёрдами - техника воситалари топширилди.***

Маросимда Ўзбекистон Ички ишлар вазирининг ўринбосари Ҳикмат Иброҳимов, Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари Халдарбек Серикбаев, Миллий хавфсизлик хизмати давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси раисининг ўринбосари Рашид Хабиев ҳамда АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Пурнелл икки мамлакат ўртасида хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

АҚШ Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги гиёҳванд моддаларга қарши кураш бўлинмаларига зарур техника воситалари, лаборатория жиҳозлари, компьютер ускуналари, радиостанция ва радиоқурилмалар тақдим этди. Шунингдек, бошқа ҳарбийлашган вазирлик ва идораларга ҳам ана шундай зарур техника воситалари топширилди. Уларнинг умумий қиймати 6 миллион 90 минг АҚШ долларига тенг. Мазкур анжомлар АҚШ томонидан молиялаштирилаётган «Гиёҳванд моддаларни ва уларнинг тўғри қўлланилишини назорат қилишга кўмаклашиш», «Экспорт назорати ва чегаралар хавфсизлиги», «Гиёҳванд моддаларга қарши кураш» дастурлари доирасида тақдим этилди.

**(ЎзА)**

## Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир

***Кейинги вақтларда Бухоро туманидаги «Маданият» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошқаруви билан келишилган ҳолда жамоа аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда ҳар йили атрофлича муҳокама этилиб, кўплаб қўшимчалар билан бойитиладиган жамоа шартномасининг ўрни беқиёсдир. Унда йил давомида амалга ошириладиган барча тадбирлар аниқ, лўнда қайд этилади.***

## ҚАЛБДА ИШТИЁҚ БЎЛСА

Жамоа шартномасида дала ва фермаларда ишловчи 1140 нафар касаба уюшма аъзоларига ҳар қадамда ҳамкору ҳамнафас бўлиш, уларга ғамхўрлик қилишга эътибор қаратганмиз. Кўпроқ моддий ва маънавий кўмак бериш мақсадида ҳар бир ишловчининг аҳволи, яшаш тарзи чуқур ўрганилади. Жумладан кам таъминланган оилаларга мақсадли ёрдамлар уюштирмоқдамиз. Мавсумий ишлар якуни билан 594 нафар хотин-қизларимизнинг барчаси рағбатлантирилди. Эркаклар ҳам моддий ёрдамдан четда қолгани йўқ.

«Иссиқ сув» жамоаси билан имзоланган шартномага кўра 10 нафар ходим ушбу даволаш масканига хўжалик маблағлари ҳисобидан ўз саломатликларини мустаҳкамлаш имконига эга бўлдилар. Бир гуруҳ касаба уюшма фаолларига вилоят марказида таниқли хонандалар иштирокида ўтказиладиган концертларга йўлланмалар берилди. Боқувчисини йўқотган 4 нафар оила ва 10 нафардан ортиқ кам таъминланган хонадонга моддий ёрдамлар уюштирилди.

Маданий-оқартув ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган. Деярли ҳар ойда 2-3 та спорт мусобақалари ўтказиб туриш одат тусига кирган. Аъзоларимиз орасида ажойиб спорт йўриқчилари, республика, Осиё ва жаҳон чемпионларининг бўлиши мусобақаларга ўзгача руҳ бағишламоқда. Яқинда Меҳр ва мурувват йилига бағишланган оилавий спорт беллашувлари ўтказилди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Хўжалигимиз ҳудудида пахта уруғчилиги, колбаса, сутни қайта ишлаш кичик корхоналари, ўнлаб қурилиш материаллари, ғишт ишлаб чиқарувчи заводлар ишлаб турибди. Қўшимча иш ўринларини яратиш ҳисобига дала деҳқончилигидан бўшаб қолган кишиларни бошқа юмушларга жалб этиш имкониятлари яратилди.

Касаба уюшма тадбирларини ўтказишда меҳнат кишисига ғамхўрлик қилиш ва уни рағбатлантириш борасида Отабек Шарипов, Гулбаҳор Рўзиева, Лола Қосимова, Исмоил Болтаев, Ҳикмат Саидов, Рисолат Баҳромова, Замира Тўраева сингари фаолларимизнинг хизмати каттадир. Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида режаларимиз зиёдаси билан адо этиляпти.

**Матлуба ПЎЛАТОВА,**
**Бухоро туманидаги «Маданият» очиқ турдаги ҳисоадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси**

## БОШҚАРУВ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ

Ислом оламининг улуғ намояндаси Баҳоуддин Нақшбанд жаҳон тафаккур хазинасига беқиёс ҳисса қўшган. Аллома меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш, эзгуликка, маънавий комилликка чорловчи ғояларини ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод онгига сингдириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси шу йил 27 майда «Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилган эди.

Бухоро вилоят ҳокимлигида Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази бошқарув кенгашининг мазкур қарор ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси А.Баҳромов, Республика маданий ёдгорликларни сақлаш инспекцияси раҳбари Р.Мансуров ва бошқалар Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдулхолиқ Ғиждувоний мажмуаларини ободонлаштириш, бу қадамжоларга маҳаллий ва хорижий фуқаролар зиёратини уюштириш, алломалар илмий меросини чуқур ўрганиш борасида ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хусниддинов иштирок этди.

**(ЎзА)**

## Меҳнат муҳофазаси

***Қорақалпоғистондаги пахтани қайта ишлаш корхоналари ихчам ва тежамли технологияга ўтганлиги, замонавий ишлаб чиқариш қувватлари жорий этилаётганлиги боис жаҳон бозорида пахта толаси харидоргирлиги ортиб бормоқда. Юзага келган табиат қийинчиликларига қарамасдан бу ерда махсулот сифатини янада яхшилашга эришилди. 78 минг 178 тонна пахта қайта ишланиб, тола чиқиши 32,1 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда қорақалпоқ толаси АҚШ, Буюк Британия, Франция, Швейцария, Жанубий Корея каби ўндан ортиқ хорижий давлатларга экспорт қилинаяпти.***

## ҚУЛАЙ ВА ХАВФСИЗ ИШ ШАРОИТИ

Маҳсулот сифати ва унумдорлигини таъминлаш мақсадида тўққизта заводнинг ҳаммасида мукаммаллаштирилган технология бўйича реконструкция ва қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди. «Тўрткўл оқ олтини», «Халқабод момиғи», «Хўжайли толаси», Манғит, Қўнғирот, Беруний, Элликқалъа, Чимбой очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларида пахтани қуритиш ва пресслаш цехларига янги механизмлар ўрнатилди. Иш жойларининг тоза ва озода, чанг ҳамда ғубордан холи бўлиши учун саноат гигиенаси талабларига тўлиқ мослаштирилди. Ходимлар учун дам олиш, овқатланиш, ювиниш, хотин-қизлар гигиена хоналари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ёш болали аёллар учун қўшимча таътиллар жорий этилди.

Ҳар бир мавсум олдидан ходимларнинг касб маҳорати қайта синовдан ўтказилиб, махсус машғулотлар уюштирилади. Ўқувни тизимда катта тажрибага эга бўлган малакали мутахассислар олиб боришади. Механик устахоналар, электр цехлари, техника хавфсизлиги хоналари, лабораториялар жиҳозланиб, шай ҳолга келтирилган. Ҳар бир цехга техника ва ёнғин хавфсизлиги учун масъул кишилар биркитилган.

Асосий мақсад ишчи-хизматчилар учун хавфсиз шароит яратишдан иборат. Бирлашмамизнинг техника ва ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиғи С.Ережепов, биринчи ўринбосар Ф.Султонов, касаба уюшма қўмитаси раиси Қ.Жанабаевлардан иборат гуруҳ заводлар ва пахта қабул қилиш масканларидаги ҳақиқий аҳвол билан танишиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш тадбирларини белгилайдилар.

«Хўжайли толаси» очиқ акционерлик жамиятида ишчи Ш.Турсунбоеванинг тан жароҳати олиши билан боғлиқ воқеа чуқур ўрганилиб, смена устаси ва техника хавфсизлиги муҳандиси вазифасидан четлатилди.

Корхона ва пахта қабул қилиш масканларида меҳнатни муҳофазалаш, атмосфера ҳавоси мўътадиллигини таъминлаш, техника ва ёнғин хавфсизлиги бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бирлашма тизимида техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасига қарийб 58 миллион, парҳез овқатлар ва сут маҳсулотларига 25 миллион, махсус кийим-кечак ва ҳимоя воситалари сотиб олишга 16 миллион сўм сарфланди.

Акциядорларнинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси соҳасидаги ишлар яна бир бор сарҳисоб этилди. Корхона ва цех раҳбарлари, мутасадди ходимларга аниқ топшириқлар берилди. Ёш ишчиларга малакали ходимлар биркитиб қўйилди ва ходимлар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтишди. Жамиятлар маблағлари ҳисобидан юқоридаги мақсадлар учун қарийб 40 миллион сўм харажат қилинди. Ҳар бир корхона ҳузурида тиббий пункт ва профилакторий ишлаб турибди. Ўнлаб ишчилар Оролбўйи ва мамлакатимиз сиҳатгоҳларида даволаниб келишди.

Ҳозир корхонамизда таъмирлаш юмушлари олиб борилаяпти. Ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги билан боғлиқ ишлар асосан ана шу даврда бажарилиши керак. Шунинг учун бирлашма мутасаддиларининг бутун эътибори ҳар бир киши учун қулай шароит яратиб бериш ва хавфсиз меҳнат жараёнини шакллантиришга қаратилган.

**Бахром КЎШАКЕЕВ,**
**«Қорақалпоқпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик жамияти раиси**

## РАССОМ ИЖОДИДА ОНА ЮРТ МАДҲИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида мусаввир Мурод Умаровнинг Меҳр ва мурувват йилига бағишланган асарлари кўргазмаси очилди.

Унда рассомнинг мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, юртимизнинг гўзал табиати, меҳнаткаш ва бағрикенг, меҳр ва мурувватли кишилари, халқимизнинг азалий урф-одатларини акс эттирувчи юздан зиёд асари намойиш этилмоқда.

## Муаммо кўндаланг қўйилади

***Президентимиз халқ депутатлари Андижон ва Сурхондарё вилоятлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларидаги маърузасида ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни дадил қўллаш, хорижий сармоялар улушини кўпайтириш муҳим вазифа эканлигини яна бир бор уқтириб ўтди.***

## ҚЎШМА КОРХОНАЛАР фаолияти нега суст?

Ҳар томонлама пухта ўйланган, фаол олиб борилаётган инвестиция сиёсати иқтисодиётимиздаги барқарорлик, таркибий ва сифат ўзгаришларини белгилашда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, Қашқадарё вилоятида бу борада корхоналар ўз маблағлари, тижорат банклари кредитлари ва тўғридан-тўғри жалб этилаётган хорижий сармояларни ўзлаштиришда ижобий ютуқларга эришмоқда. Айни пайтда воҳада 51 та қўшма корхона мавжуд бўлиб, улар томонидан 10 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Уларнинг ташқи савдо айланмасидаги ҳиссаси қарийб 5 миллион, шундан экспорт ҳажми 3,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Шаҳрисабздаги «Оқсарой-Тўқимачи ЛТД» Ўзбекистон-Туркия-Япония қўшма корхонаси хорижга маҳсулот сотиш ва валюта ҳисобида даромад кўриш билан юртимиз иқтисодиётига катта фойда келтирмоқда. Мажмуа йилнинг ўтган чораги даврида ишлаб чиқарган ип-калава ва трикотаж маҳсулотларини 3 миллион 530,2 минг АҚШ долларига сотганлиги бунинг яққол исботидир. Бироқ таҳлиллар кўрсатиб турибдики, инвестициялар самарадорлигини ошириш ва хорижий давлатларга маҳсулотлар етказиб беришда айрим корхоналар сусткашликка йўл қўймоқдалар. Энг ачинарлиси, вилоятда давлат рўйхатидан ўтган қўшма корхоналардан 8 таси ҳозирда умуман фаолият юритмаяпти.

Бундан бир неча йил муқаддам жаҳон андозаларига мос кийим-кечаклар тайёрлашни режалаштирган «Черёмушки» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ҳам ўз фаолиятини тўхтатганига анча вақт бўлди. Яхши ниятлар билан россиялик ишбилармонлар иштирокидв «Машъал-Д» қўшма корхонаси Қарши бош канали ва гидроиншоотлари учун эҳтиёт қисмлар етказиб бериш мақсадида ҳамкорликка келишилган эди. Афсуски, белгиланган тадбирлар қоғозда қолиб кетди. Тиббиёт муассасалари учун зарур воситалар ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Ўзиталмед» қўшма корхонаси эса ўз лойиҳасини амалга ошириш йўлини ҳамон топа олмаяпти.

Хорижий сармоядорлар билан алоқалар тўғри йўлга қўйилмагани боис «Эрмис» Ўзбекистон-Греция, «Мастердон» Ўзбекистон-Кипр ва «Авантаж» Ўзбекистон-Россия қўшма корхоналари ҳам ишга тушиши пайсалга солинаяпти. Маҳаллий таъсисчиларнинг бепарволиги ва локайдлиги оқибатида «Каштекс» хорижий мулкдорлари Сирдарё вилоятида бошқа корхона ташкил этиб, инвестицияларини ўша ерга йўналтиришганлигига нима дейсиз?

Айрим жамоаларда каттадан-катта режалар белгиланиб, валюта тушумини кўпайтириш тадбирлари тузилган бўлса-да, амалда ҳеч қандай силжиш бўлмаяпти. Мисол учун, экспорт салоҳиятига эга Китоб туманидаги «Агрос-АБ» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасида экспорт шартномалари тузилмай қолган. Тумандаги «АВЖ компани ЛТД» қўшма корхонаси бўр ва бошқа қурилиш материалларини мамлакат темирйўллари орқали экспорт қилиши мумкин. Бироқ транспорт харажатлари маҳсулот қийматининг ошиши ва рақобатбардошлигига таъсири боис четга жўнатилмай қолаётир. Қамаши туманидаги «Момиқ», Қарши шаҳридаги «Интертекс», Шаҳрисабздаги «Кумуш» корхоналари ҳам экспорт имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмаётганликлари ачинарлидир.

Вилоят корхоналари жаҳон бозорига ўндан ортиқ турдаги пахта толаси, хом ипак, трикотаж, дон, табиий газ, кондецат, мева шарбатлари каби маҳсулотларни экспорт қилаётган бир пайтда айрим ҳудудларда, хусусан, Нишон ва Миришкор туманларида қўшма корхоналар ташкил этишга совуққонлик билан қаралаётганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Чет эллик сармоядорлар мамлакатимизда қўшма корхоналар очишдан манфаатдорлиги ошиб бормоқда. Шундай экан, табиий заҳиралар, ер ости ва ер усти бойликлари етарли бўлган Қашқадарё вилоятида қўшма корхоналар тўла қувват билан ишлашига жиддий эътибор қаратмоғимиз лозим.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

